Inson manfaatlari — oliy qadriyat
2024-yil 19-yanvar, juma № 3 (1469)
adolat24.uz/
t.me/Gazeta_Adolat
www.adolat.uz
info@adolatgzt.uz
adolatgz-95@mail.ru
ADOLAT
IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

QR коди орқали газетанинг электрон вариантини юклаб олинг!

*2024 ЙИЛ —*
**Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили**



# Ташаббуслар БАРДАВОМ БЎЛАДИ

Президентимиз ўз нутқида **“Албатта, билимдон, зукко олимларимиз, дунё маданиятига жуда катта ҳисса қўшаётган ватандошларимиз кўп. Лекин, афсуски, улар болалар оламига яқин эмас. Ваҳоланки, дунёга машҳур олимларнинг кўпчилиги болаларга атаб китоблар ҳам ёзишган. Масалан, Альберт Эйнштейн ўзининг мураккаб назариясини болалар учун махсус шарҳлаб, алоҳида китоб чиқаргани маълум. Биз Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби буюк аждодларимиз ҳақида кўп гапирамиз. Аммо болаларимиз уларнинг қайси асарини ўқий олади? Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи деймиз, лекин уларнинг болалик даврини ким билади?”**, деган савол билан мажлис қатнашчиларига юзланди ҳамда алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп қилиб ёзиш кераклигини қайд этиб ўтди. 2

**Келгуси сонда: кутинг**

## Жамиятнинг жамоавий жазоси

*Хориждаги энг катта аэропортлардан бирídaман. Минглаб одамлар бор. Барча сокинлик билан тартиб асосида ҳаракатланади. Лекин битта терминалдан баланд овозда ғала-ғовур (сўкинишлар ҳам) тинмайди... Булар бизникилар...*

**Бу сонда: ўқинг**

## “Сиз ахир, осмонни оламан десангиз, мен нечун елкамни тутиб бермайин...”

Академиянинг қайта тикланган Ядро физикаси институтининг илмий тадқиқот ядро реактори қайта ишга туширилди. Натижада радиоизотоп маҳсулотларга мамлакатнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш, валютани тежаш ва маҳсулот экспортини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди. Бугун бу илмий тадқиқот муассасамизда ядро тиббиёти ривожи учун асос бўладиган, миллат саломатлиги учун хизмат қиладиган препаратлар ишлаб чиқарилмоқда. 5



## ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАР

*ахборот хавфсизлиги соҳасида муҳим аҳамиятга эга*




Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши муассиснинг мажбуриятларидан бири сифатида қайд этилган. Шунингдек, Президентнинг 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сонли қарорида муассислар ўзларига қарашли таҳририятларни молиявий қўллаб-қувватлаши, малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда даврий босма нашрларнинг замонавий электрон нусхасини яратиши, интернет билан интеграциялашуви учун зарур ёрдам кўрсатиши зарурлиги белгиланган.

Мазкур қонун ва қарор ижроси қанчалик таъминланмоқда? Даврий босма нашрлар ўз муассисларидан етарли эътибор кўряптими? 4

Билъакс, бу телевизорда ҳар хил бўлмағур материал бериб, халқнинг онгини заҳарлаш мумкин, дегани эмаску?! Хусусий каналларда қўйилаётган “Опам онам экан!” каби туturиқсиз мавзулардаги киноларни кўради. Бундан бир нарса равшанлашади: шундай маҳсулотларнинг сабиясизлигига, натижада уйдаги оналарнинг фарзанд тарбиясига қўл силтаб, бошқа миллат сериалларидаги фахшни тарғиб этувчи саҳналарни, фисқу фасод, иғвога қаратилган ғояларни томоша қилаётганига ўкинасиз.



## ҒАФЛАТДАН УЙҒОНАЙЛИК... 6

## 2024 ЙИЛ – САЙЛОВЛАР ЙИЛИ



2024 йилда энг кўп сайлов Европада бўлиб ўтади: оз эмас, кўп эмас, нақ 19 мамлакатда. Экспертлар уларнинг 10 тасида давлат раҳбари, 11 тасида эса парламент таркиби ўзгариши мумкинлигини тахмин қилишмоқда. 6



# Жамоатчилик эътиборида бўлган қонун муҳокамаси давом эттирилди

**Сенатнинг Мудофаа ва хавфсизлик масалалари қўмитаси мажлисида “Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизими такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси, Жиноят-процессуал кодекси ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига қўшимча ва ўзгартиришлар киритиш ҳақида”ги қонун муҳокамаси давом эттирилди.**

Унда сенаторлар, қўмита ҳузурида ташкил этилган Эксперт гуруҳи аъзолари, соҳа мутахассислари, олимлар, шунингдек, Ички ишлар, Адлия ва Рақамли технологиялар вазирликлари, Божхона қўмитаси, Коррупцияга қарши курашиш агентлиги, Олий суд, Бош прокуратура, Инсон ҳуқуқлари бўйича Ўзбекистон Республикаси Миллий маркази ва ОАВ ходимлари иштирок этди.

Мажлисда қонуннинг дастлабки муҳокамаси ОАВ ҳамда ижтимоий тармоқларда кенг тарқалиб, муҳокамаларга сабаб бўлгани айтиб ўтилди. Шу боис қўмита мажлисига таклиф этилган ОАВ вакилларининг саволларига батафсил жавоб қайтарилди.

Таъкидланганидек, сўнгги йилларда мамлакатимизда йўл ҳаракати қоидаларини янада такомиллаштириш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш ҳамда йўл ҳаракати хавфсизлигини назорат қилиш борасида тизимли ишлар олиб борилмоқда.

Хусусан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини такомиллаштиришга, шу жумладан, ҳайдовчилар ва пиёдаларнинг йўл ҳаракати қоидаларига риоя этиш маданиятини оширишга, ҳайдовчиларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш тизимини такомиллаштиришга, шунингдек, йўл ҳаракатининг ташкил этилишини тўлиқ рақамлаштиришга қаратилган ҳуқуқий асослар яратилмоқда.

Тадбирда келтириб ўтилганидек, айрим ҳайдовчилар томонидан йўл ҳаракати қоидаларига амал қилмаслик натижасида йўл-транспорт ҳодисалари сони ортиб бормоқда.

Жумладан, 2023 йилнинг 11 ойида 8 693 та ЙТҲ содир этилиб, уларда 2 080 нафар фуқаро ҳалок бўлган ва 8 055 нафар фуқаро тан жароҳати олган.

2020 йилда маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш билан боғлиқ 25 035 та, 2021 йилда 40 542 та, 2022 йилда 47 365 та ва 2023 йилда 41 866 та ҳуқуқбузарлик аниқланган.

Энг ачинарлиси, фақатгина 2023 йилда қарийб 6 минг ҳайдовчи маст ҳолда транспорт воситасини бошқарганлик учун маъмурий жавобгарликка тортилгандан сўнг такроран транспорт воситасини маст ҳолатда бошқарганлиги аниқланган.

Маст ҳолда транспорт воситасини бошқариш оқибатида 2020-2023 йилларда қарийб 500 га яқин йўл-транспорт ҳодисаси содир бўлган ва бунинг оқибатида ушбу даврда 271 нафар фуқаро ҳалок бўлган.

Ўтказилган ўрганишлар таҳлили кўрсатишича, йўл ҳаракати қоидабузарликлар учун амалдаги қонун ҳужжатларида таъсир кўрсатувчи омиллар мавжуд эмаслиги ва бу билан жазо муқаррарлиги таъминланмаганлиги йўл-транспорт ҳодисалари кўпайишининг асосий сабабларидан бири бўлмоқда.

Муҳокама қилинаётган қонун билан йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, йўл-транспорт ҳодисаларининг олдини олиш, қўпол қоидабузарликлар содир этган шахсларга нисбатан жазо муқаррарлигини таъминлаш, транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум этилган шахс томонидан транспорт воситасини такроран бошқарганлик учун жиноий жавобгарликни белгилаш ҳамда сиқилган табиий газда, суюлтирилган нефть газида ишлайдиган транспорт воситалари иштирокидаги ҳодисалар бўйича алоҳида моддаларда маъмурий ва жиноий жавобгарликни белгилаш назарда тутилмоқда.

Мутахассислар томонидан шу каби ҳолатлар инобатга олиниб, Жиноят кодексига тегишли ўзгартиришлар киритиш орқали транспорт воситасини такроран маст ҳолда бошқарганлик учун жиноий жавобгарлик, яъни уч йилгача муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан уч йилгача ахлоқ тузатиш ишлари ёки икки йилдан уч йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазоланиши белгиланаётгани айтиб ўтилди.

Мажлис давомида мазкур қонуннинг жамоатчиликнинг кенг муҳокамасига сабаб бўлган моддалари бўйича журналистлар томонидан берилган саволларга атрофлича жавоблар қайтарилди.

## Фракция йиғилиши

# Ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга енгиллик яратилади

Олий Мажлис Қонунчилик палатасидаги “Адолат” СДП фракциясининг навбатдаги йиғилишида **“Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига миграция ва фуқароликни расмийлаштириш соҳасини такомиллаштиришга қаратилган ўзгартиришлар киритиш ҳақида”**ги қонун лойиҳаси биринчи ўқишда кўриб чиқилди.

Партия Сайловолди дастурида миграция соҳасида юзага келадиган муносабатларни тартибга солиш ҳамда давлат, жамият ва фуқаро манфаатларига ижобий таъсир қиладиган миграция муаммоларини ижобий ҳал қилиш вазифаси қўйилган.

Муҳокамалар давомида фракция аъзолари қонун лойиҳасининг жамиятимиз ва қонунчилигимиз учун аҳамияти ва муҳимлиги юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Лойиҳадаги айрим нормалар бўйича бир қатор саволлар ўртага ташланди.

Хусусан, депутатлар лойиҳанинг $223^3$-моддаси бўйича қонун ташаббускорларига бир қатор саволлар беришди. Амалдаги моддада фақат мансабдор шахсларга нисбатан жарима қўллаш белгиланганини, таклиф этилаётган моддада давлат мулки ҳисобланган паспортни ёки идентификацияловчи ID-картани қонунга хилоф равишда олиб қўйганлик ёхуд гаровга олганлик учун фақат мансабдор шахсларга эмас, балки барча учун жавобгарликни белгилаш мақсадида аниқ жарима миқдорини белгилаш таклиф этилаётганлигини қайд этдилар. “Таклиф этилаётган таҳрирда жарима барча фуқароларга тегишли этиб белгиланаётгани қанчалик тўғри?” деган савол берилди.



Қонун ташаббускорлари бугунги кунда жамиятимизда фуқаролик паспорти ёки ID-картани гаровга қўйиб, кўплаб ўғирлик ва товламачиликлар содир этилаётганини билдирди.

Уларнинг айтишича, оддий велосипед олишда паспорт ёки ID картани гаровга қўйиб, алдаб кетиш ҳолатлари кузатилмоқда. Суриштирувлар натижасида бундай ҳолатларда ушбу воситалар гаров эвазига берилаётгани аниқланган. Мазкур қонун лойиҳасида кўзда тутилаётган жарималарнинг барча шахсларга нисбатан қўлланиши юзага келаётган ҳолатларнинг олдини олишга ёрдам беради.

Таъкидланишича, ҳозирги кунга қадар ушбу модда фақат мансабдор шахсларга нисбатан қўлланилар эди. Ўрганишлар шуни кўрсатадики, сўнгги 2 йилда $223^3$-моддаси бўйича мансабдорларга нисбатан фақатгина бир маротаба баённома расмийлаштирилган. Бундан кўриниб турибдики, ушбу соҳадаги қонун бузилишлари оддий фуқаролар томонидан ҳам кўплаб содир этилмоқда.

Қонун ташаббускорларининг фикрича, таклиф этилаётган лойиҳанинг қабул қилиниши аҳоли орасида ижтимоий ҳимояга муҳтож шахсларга енгиллик яратилиб, ҳуқуқни қўллаш амалиётида ҳамда маъмурий ишларни кўриб чиқишда ортиқча бюрократияни ҳамда коррупцион ҳолатларнинг олдини олиш таъминланади.

Қизғин савол-жавобларга бой бўлган йиғилишда қонун лойиҳаси фракция аъзолари томонидан қўллаб-қувватланди.

## Муносабат

# Ташаббуслар БАРДАВОМ БЎЛАДИ

**Якунланган йил мамлакатимиз ҳаётининг барча жабҳаларида катта ўзгаришларга бой йил бўлди ва ижтимоий-сиёсий, ҳуқуқий, иқтисодий соҳаларда кўплаб ютуқларга эришилди.**

**Шерзодхон ИСЛОМОВ,**
**Ўзбекистон “Адолат” СДП Сиёсий Кенгаши Марказий аппарати етакчи мутахассиси**

Давлатимиз раҳбари томонидан жорий 2024 йил мамлакатимизда “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”, деб номланиши келажакка бўлган ишончимизни янада мустаҳкамлади. Йил бошидан янада катта мақсадларни, Ватанимиз ривожи ҳамда халқимиз фаровонлигига хизмат қилувчи янги, креатив ташаббусларни ўз олдимизга белгилаб олдик.

Маълумки, мамлакатимизда йилларга ном бериш ва шу орқали ушбу соҳага алоҳида эътибор қаратиш бўйича ижобий тажриба шаклланган. Мазкур эзгу анъанага назар ташлар эканмиз, бугунги кунга қадар йиллар 3 марта ёшлар номи билан боғлиқ бўлганлигини кўришимиз мумкин: 2008 йил – “Ёшлар йили”, 2021 йил – “Ёшларни қўллаб-қувватлаш ва аҳоли саломатлиги йили”, 2024 йил – “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш йили”.

Аслини олганда, мустақилликка эришганимизнинг илк давридан то бугунгача юртимизда ёшлар масаласи давлат сиёсатидаги долзарб ва устувор масала бўлиб келмоқда. Айниқса, сўнгги етти йил ичида ёшларга қаратилаётган эътибор, уларни қўллаб-қувватлаш борасида амалиётга татбиқ этилаётган лойиҳалар янги босқичга кўтарилаётганлигини бугун ҳар бир ёш ўз ҳаётида ҳис этмоқда.

Бу бежиз эмас. Зеро, ҳар бир мамлакатнинг келажаги, аввало, ёшларнинг юксак салоҳияти ва билими, комил тарбияси ва интеллектуал тараққиёти билан бевосита боғлиқ.

Шу боисдан ўтган 2023 йилда Президентимиз БМТ Бош ассамблеясининг 78-сессиясида сўзлаган нутқида ҳам ёшлар масаласига алоҳида тўхталиб, БМТ ҳузурида Марказий Осиё ёшларини ривожлантиришга кўмаклашиш бўйича ишчи гуруҳ ташкил этиш таклифини илгари сургани миллионлаб ёшларни тўлқинлантириб, фаолликка чорлагани ҳақиқат.

Шу билан биргаликда, яқин ўтган йилларга назар ташлайдиган бўлсак, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2020 йил 30 июндаги “Ўзбекистон Республикасида ёшларга оид давлат сиёсатини тубдан ислоҳ қилиш ва янги босқичга олиб чиқиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги фармонига мувофиқ, ёшлар масалаларида алоҳида ташкилот – “Ёшлар ишлари агентлиги” ташкил этилганлиги ҳам келажак авлод камолоти йўлида муҳим қадам бўлди. Айни даврда Агентлик ташаббуси билан жуда кўплаб лойиҳалар самарали амалга ошириб келинмоқда. Биргина мисол, “Келажак касблари” лойиҳаси доирасида замонавий касблар, ахборот технологиялари ва хорижий тилларни ўрганиш бўйича ўқиш харажатларини қоплаш учун давлат томонидан субсидиялар ажратилмоқда. Ушбу лойиҳадан кузатилган олий мақсад билимли, меҳнатсевар, замонавий касб ва хорижий тилни пухта ўзлаштирган, ҳаётда ўз ўрнини топа оладиган ёшларни шакллантиришдан иборат.




Тенгдошларим қатори мен ҳам мазкур Агентлик томонидан ҳаётга фаол ва унумли татбиқ этилаётган лойиҳалардан бири бўлган “Ибрат фарзандлари” хорижий тилларни бепул ўргатишга мўлжалланган лойиҳада иштирок этдим. Жараёнда бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларни бемалол ўрганиш имконияти яратилган бўлиб, икки ой давомидаги ўрганишларим натижасида хитой тилини ўзлаштириш борасида юқори натижаларга эришдим.

Бундан ташқари, умумий ўрта, профессионал ва олий таълим муассасаларини тамомлаб, мустақил ҳаётга қадам қўяётган йигит-қизларни муносиб иш ва даромад манбаи билан таъминлаш, уларга замонавий касб-ҳунарлар, IT-технологияларни ўргатиш, тадбиркорликка кенг жалб этиш, ёшларнинг бўш вақтини мазмунли ташкил этишга қаратилган кенг қамровли чора-тадбирлар амалга оширилмоқда.

Яқиндагина давлатимиз раҳбари Республика Маънавият ва маърифат кенгашининг кенгайтирилган мажлисида жамиятимизда китобхонлик маданиятини ошириш бўйича ишлар келгусида ҳам давом эттирилиб, бу борада “Ёшлар учун – минг китоб” лойиҳасини амалга ошириш бўйича алоҳида қарор қабул қилинганлигини алоҳида таъкидлади. Унга кўра, келгуси йилдан бошлаб фарзандларимизга рағбат берадиган энг машҳур илмий-оммабоп китобларни ўзбек тилига таржима қилиб, мактаб ва кутубхоналарга бепул тарқатиш йўлга қўйилиши кўзда тутилган.

> Тенгдошларим қатори мен ҳам мазкур Агентлик томонидан ҳаётга фаол ва унумли татбиқ этилаётган лойиҳалардан бири бўлган “Ибрат фарзандлари” хорижий тилларни бепул ўргатишга мўлжалланган лойиҳада иштирок этдим. Жараёнда бир вақтнинг ўзида бир қанча тилларни бемалол ўрганиш имконияти яратилган бўлиб, икки ой давомидаги ўрганишларим натижасида хитой тилини ўзлаштириш борасида юқори натижаларга эришдим.

Президентимиз ўз нутқида *“Албатта, билимдон, зукко олимларимиз, дунё маданиятига жуда катта ҳисса қўшаётган ватандошларимиз кўп. Лекин, афсуски, улар болалар оламига яқин эмас. Ваҳоланки, дунёга машҳур олимларнинг кўпчилиги болаларга атаб китоблар ҳам ёзишган. Масалан, Альберт Эйнштейн ўзининг мураккаб назариясини болалар учун махсус шарҳлаб, алоҳида китоб чиқаргани маълум. Биз Хоразмий, Беруний, Ибн Сино каби буюк аждодларимиз ҳақида кўп гапирамиз. Аммо болаларимиз уларнинг қайси асарини ўқий олади? Аҳмад Фарғоний, Мирзо Улуғбек, Али Қушчи деймиз, лекин уларнинг болалик даврини ким билади?”*, деган савол билан мажлис қатнашчиларига юзланди ҳамда алломаларимизнинг ёшлиги ҳақида китоблар ёзиш, ёзганда ҳам болаларбоп қилиб ёзиш кераклигини қайд этиб ўтди.

Дарҳақиқат, бугун юртимизда келажак авлодни ҳар жиҳатдан баркамол қилиб вояга етказишга қаратилган бу каби эзгу лойиҳалар жуда кўп. Шунга монанд равишда мамлакатимиз аҳолисининг аксар қисмини ташкил этувчи ёшларимиз ҳам юрт ривожи, мамлакат тараққиёти йўлида ўзларининг ақлу заковати, шижоати билан камарбаста бўлишаётганлиги қувонарли, албатта. Бу, ўз навбатида, ёшларга ўз иқтидор ва салоҳиятини юзага чиқариш йўлида яратиб берилаётган имконият ва шарт-шароитларнинг натижасидир.

Демак, 2024 йил — “Ёшлар ва бизнесни қўллаб-қувватлаш” йилида ҳам келажак авлод йўлидаги эзгу ташаббуслар бардавом бўлади. Ўз навбатида биз ёшлар ҳам яратиб берилаётган янги имкониятлардан тўлиқ фойдаланган ҳолда илм-фан, инновация, замонавий IT касбларини пухта ўзлаштиришимиз, янги ҳаётни, Янги Ўзбекистонни барпо этиш учун бор куч ва имкониятларимизни тўлиқ сафарбар этишимиз даркор.

# “АДОЛАТ”ни қадрлайдиган шифокорлар



**Ҳар бир давлатнинг энг қадрли бойлиги, бу аҳолининг жисмонан, маънан, руҳан саломатлигидир. Юртимизда аҳоли саломатлигини муҳофаза қилиш, касалликларни эрта аниқлаш, тўғри ташхис қўйиш ва самарали даволаш жаҳон стандартларига мос равишда энг сўнгги русумдаги тиббий жиҳозлар ёрдамида амалга ошириб келиняпти.**

Фарғона шаҳридаги “Arirang Uzbek medical Centr” хусусий клиникаси невропатология, эндокринология, урология, гинекология, ревматология сингари ўнлаб тиббий йўналишларда кореялик шифокорлар билан ҳамкорликда аҳолига сифатли хизмат кўрсатиб келаётган жамоалардан биридир. Ўз малакасини дунёдаги энг нуфузли клиникаларда ошириб келаётган тиббиёт ходимлари мамлакатимизда амалга оширилаётган ижтимоий-сиёсий, маданий-иқтисодий соҳалардаги жараёнларда ҳам фаол иштирок этмоқдалар.

2024 йил мамлакатимиздаги муҳим сайловлар жараёнида ўз таклиф ва истакларининг “Адолат” СДП Сайловолди дастуридан ўрин олишини, ўз номзодлари орқали мазкур жараёнларда фаол иштирок этиш истагидаги тиббиётчилар “Адолат” СДПни танлагани бизни беҳад қувонтирди. Аҳил жамоа билан партиянинг Фарғона вилоят кенгаши раиси Орифжон Ўлмасов учрашди. Қизғин савол-жавоблар, самимий мулоқотлар давомида жамоанинг 30 нафар олий тоифали шифокор ва ҳамширалари партия сафига кириш истагини билдирдилар.



*– Клиника жамоасининг “Адолат” партияси сафига қабул қилинганлигини эшитиб жуда хурсанд бўлдим,* **– дейди шифохонада даволанаётган бемор Муҳаммаджон Бобоев.** *– Адолат бор жойда ўзаро ҳурмат, касбга масъулият ва жавобгарлик ҳисси юқори бўлади. Шифохона жамоаси адолатни қадрлайдиган инсонлар. Партия билан ҳамкорлик аҳоли учун янада янги имкониятлар яратилишига хизмат қилишига ишончим комил.*

*– Мамлакатимизда амалга оширилаётган ислоҳотлар натижасида хусусий тиббиёт тизими ҳам тубдан ривожланиб, рақобатбардошлиги ортиб боряпти,* **– дейди клиника бош шифокори Зикрилло Ўлмасов.** *– Бизнинг асосий мақсадимиз халқ саломатлиги йўлида самарали меҳнат қилиш. Шу йўналишда Жанубий Кореянинг KOICA ва KOMSTA ташкилотлари билан биргаликда халқимиз саломатлигини асраш йўлида савобли ишларни амалга ошираяпмиз. Хусусан, кореялик шифокорларнинг клиникамизда бепул қабулларини йўлга қўйганмиз.*

Жамоа аҳлининг янги йилдаги янги мақсадлари бисёр. Адолат йўлидаги ҳамкорлик эса халқимиз учун янги имкониятлар эшигини очишига ишонамиз.

**Фарғона вилоят кенгаши матбуот хизмати**



**Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари туман ва шаҳар Кенгашлари учун бўлиб ўтадиган сайловлар олдидан Ўзбекистон “Адолат” СДПнинг Сайловолди дастури лойиҳасини шакллантириш мақсадида ҳудудлардаги бошланғич партия ташкилотларида таклиф-мунозара шаклида сайловолди учрашувлари ўтказилмоқда.**

# Сиёсий партиялар роли янада кучаяди

Ана шундай учрашувларнинг навбатдагиси “Адолат” СДП Беруний туман кенгаши томонидан туман Тиббиёт бирлашмаси биносида ташкил этилди. Тадбирда “Адолат” СДП Беруний туман кенгаши масъуллари, партия фаоллари ва тиббиёт бирлашмаси ходимлари иштирок этишди.

Маърузачилар томонидан Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари сайлови аралаш сайлов тизими (мажоритар ва пропорционал) асосида ўтказилиши белгиланганлиги, ўз ўрнида сайловнинг мажоритар-пропорционал тизимига ўтиши давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтиришга хизмат қилиши алоҳида таъкидланди.

Учрашувда партиямизнинг 2024 йил Сайловолди дастурида тиббиёт соҳасини янада ривожлантириш ва ходимлар ҳуқуқий ҳимоясини янада кучайтириш, уларга имтиёзлар бериш юзасидан таклифлар берилди.

**Қорақалпоғистон Республикаси кенгаши матбуот хизмати**

# БПТ фаолияти сарҳисоб қилинди

**Маълумки, сиёсий партиялар ўз фаолиятини Сайловолди дастури асосида олиб боради. Шу сабаб уни тайёрлашда жамият ривожи билан боғлиқ энг устувор вазифалар киритилади.**




“Адолат” СДП Сайловолди дастурини шакллантириш юзасидан жойларда жамоатчилик ва партия аъзоларининг фикрлари ўрганилаётгани бежиз эмас. Партиянинг Андижон шаҳар кенгаши томонидан "Андижонсувтаъминоти" МЧЖда ўтказилган давра суҳбатида партия фаолияти ҳақида сўз юритилди. “Адолатчилар”нинг жамиятимиз ривожи ва ҳудудлардаги муаммоларни ҳал этишда иштироки юзасида маълумот берилди.

**Жанона РАҲИМОВА,**
**“Адолат” СДП Андижон шаҳар кенгаши раиси:**

*– Сайловолди дастуримизни янада мустаҳкамлаш тадбирнинг бош мақсадига айланди. Иштирокчилар келгусида хотин-қизларнинг бандлигини таъминлаш, норасмий меҳнат бозорлари фаолиятига чек қўйиш, болаларни барча кўринишдаги зўравонликлардан ҳимоя қилиш ва ўқувчиларни мактаб дарсликлари билан таъминлаш билан боғлиқ таклифларни билдирдилар.*

Тадбир якунида мазкур МЧЖдаги бошланғич партия ташкилотининг 2023 йилдаги фаолияти сарҳисоб қилинди.

## Жамоатчилик назорати

**“Адолат” СДПнинг скрининг ва перинатал марказлари, аёллар тиббий маслаҳатхоналари, туғруқ комплекслари, репродуктив саломатлик ва патронаж хизматлари сифати назорати бўйича тузилган ишчи гуруҳи томонидан вилоятдаги тиббиёт муассасаларида ўрганишлар бошланди.**



# Ишчи гуруҳ камчиликларни аниқлади

**Гулноза РАДЖАБОВА,**
**Жамоатчилик назорати ишчи гуруҳи аъзоси**

Мутахассислар ҳамкорлигида тузилган саволномада кўрсатилган бандлар бўйича Республика ихтисослаштирилган она ва бола саломатлиги илмий-амалий тиббиёт марказида шифокорлар ва даволанаётган болаларнинг оналари билан суҳбатлар ўтказилди. Ўрганишларда аниқландики, марказда чақалоқларни она сути билан озиқлантириш борасида оналар ўртасида кенг тушунтириш ишлари олиб борилаяпти. Марказ томонидан бемор болажонлар учун дори-дармонлар вақтида берилаётир. Бироқ касалликларнинг турига қараб чақалоқларга фойдаланилиши зурур бўлган тиббий жиҳозлар етишмаяпти.

Айни пайтда марказда 526 нафар тиббиёт ходими фаолият олиб боради. Уларнинг 71 нафари шифокор, 465 нафари эса ўрта тиббиёт ходими. Шунингдек, марказда 56 нафар акушер гинекологлар оналар ва болалар соғлиги учун кечаю кундуз ишламоқда. Асосий мақсад эса вилоятда оналар ва гўдаклар ўлимининг олдини олишга қаратилган.

*– Мамлакатимизда тиббиёт соҳасига катта эътибор берилаяпти,* **– дейди Қашқадарё вилоят перинатал маркази бошлиғи Бобоназар Шодиев.** *– Оналар ва болалар соғлиги учун зарур маблағлар ажратилиб, қатор имкониятлар яратилган. Марказимизда шифо топаётган барча оналар ва фарзандларимиз яратилаётган имкониятлардан бебаҳра қолмаяптилар, албатта. Жамоатчилик назорати гуруҳи томонидан марказимиздаги аҳвол ўрганилди. Биз уларга тиббиёт жиҳозлари етишмаётгани ва бошқа камчиликлар хусусида маълум қилдик.*

*Шаҳримиздаги тиббиёт муассасалари ходимлари томонидан аҳоли саломатлигини яхшилаш учун самарали ишлар амалга оширилаяпти,* **– дейди Қарши шаҳар тиббиёт бирлашмаси бошлиғи Акмал Ашуров.** *– Жамоатчилик назорати ишчи гуруҳи аъзолари томонидан ўрганишларда оналар ва болалар саломатлигини ҳар томонлама мустаҳкамлаш учун замонавий техник асбоб-ускуналар етишмаётгани аниқланди. Келгусида бу камчиликлар, албатта, бартараф этилади. Оналар ва болалар саломатлигини муҳофаза қилиш учун барча зарур чора-тадбирларни кўрамиз.*

Дарвоқе, жамоатчилик назорати ишчи гуруҳи аъзолари Косон туманидаги перинатал бўлими фаолияти билан ҳам танишди. Бўлимда тиббий хизмат сифатини янада яхшилаш учун масъулларга тегишли маслаҳатлар берилди.

# Депутат мурожаатларга ечим топди

**Халқ билан яқиндан мулоқотда бўлмасдан, одамлар ичига кирмасдан туриб, жойларда кечаётган ижтимоий-иқтисодий жараёнларга, мавжуд муаммоларга, кенг жамоатчилик ўй-фикрларига баҳо бериб бўлмайди.**

**Гулшод ТУРСОАТОВА,**
**Сурхондарё вилоят кенгаши матбуот котиби**

Айни кунларда маҳаллий кенгаш депутатлари халқ билан яқиндан мулоқот қилиш, мавжуд муаммоларни ўрганиш ва уларга ечим топиш мақсадида ўз сайлов округларида аҳоли билан мулоқотлар ўтказмоқда. Зеро, халқ билан мулоқотларда ҳақиқат юзага чиқади, ечим топиш ҳаракатлари бошланади.

Халқ депутатлари Шўрчи туман Кенгаши депутати Ўрол Шерхонов ҳам сайловчилар ишончини оқлаб келаётган депутатлардан бири. У сайловчилар кўтарган масалаларни ижобий ҳал этишга астойдил ҳаракат қилади. Депутат ҳар бир мурожаатни жойига чиқиб ўрганади, уни бартараф этиш чораларини кўради.



Хусусан, депутат партиянинг “Муаммо билан юзма-юз” лойиҳаси доирасида Шўрчи туманидаги “Тўла” МФЙда бўлиб, ҳар бир фуқаронинг муаммосини эшитди.

Мулоқотлар асносида депутат кўмаги билан шу маҳаллада яшовчи М.Эгамбердиевага соғлигини тиклаш учун туман тиббиёт бирлашмасига ордер олишида кўмаклашилди.

Фуқаро С.Валиев ҳам кўз касаллиги борлиги сабаб 5 ёшидан даволаниб келаётганлигини ва айни вақтда аҳволи оғирлашган бўлса-да, даволаниш учун имконияти йўқлигини айтиб, депутатга мурожаат қилди. Депутатимиз ушбу мурожаатни ҳам очиқ қолдирмасдан, ўз ижобий ечимини топишга кўмаклашди. Яъни С.Валиевга вилоят кўз касалликлар шифохонасида бепул даволаниши учун ордер олишда амалий ёрдам кўрсатилди.

Шунингдек, ишсиз хотин-қизлар муаммолари тингланди. Маҳалладаги эҳтиёжманд хонадонларга бориб, кам таъминланган беморларнинг яшаш шароитлари ўрганилиб чиқилди. Бугунги кунда маҳаллада учта хонадон, ҳақиқатан ҳам, бир марталик “Саховат ва кўмак” ёрдамига муҳтож эканлиги аниқланди ва ҳужжатлар расмийлаштириб, мутасаддиларга тақдим этилди.

Шу куни халқ вакили туманда фаолият юритаётган бир қатор савдо нуқталарида ҳам бўлиб, тадбиркорлар билан мулоқотда бўлди. Уларга соҳада олиб борилаётган ислоҳотлар, тадбиркорларга берилаётган имкониятлар ҳақида атрофлича маълумот берди.

Депутат ишсиз ёшлар, хотин-қизларга тадбиркорлик фаолиятини бошлашлари учун зарур тавсиялар берди.

Мулоқотлар чоғида ҳеч бир фуқаронинг мурожаати эътибордан четда қолмади. Депутат аҳоли томонидан турли соҳаларга оид барча мурожаатларни ижобий ҳал этишга ҳаракат қилишини билдирди.

Халқ вакилининг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда.

Бугуннинг гапи




# ДАВРИЙ БОСМА НАШРЛАР

## ахборот хавфсизлиги соҳасида муҳим аҳамиятга эга

...бугун инсонларнинг мобил қурилмаларга боғланиб қолиши натижасида келиб чиқадиган зарар ва турли хатарлар жиддий ташвиш туғдираётгани сир эмас. Жумладан, ижтимоий тармоқда эълон қилинаётган огоҳликка даъват этувчи материалларда ҳам гаджетларга қарамликнинг зиёни, бундай кишиларнинг миясидаги биокимёвий ўзгаришлар гиёҳвандлик давридаги ўзгаришлар билан бир хил бўлиши ҳақида маълумот берилмоқда.

**Мамлакатимизда сўнгги йилларда аҳолининг медиа саводхонлигини ошириш, давлатнинг турли ахборий хуружлар ва кибержиноятчиликка қарши курашиш салоҳиятини юксалтиришга катта эътибор қаратилмоқда.**

**Абдумуталлиб ЎКТАМОВ,
журналист**

Аслида, юқори медиасаводхонлик турли нохолис, манипуляцион ахборотларга қарши чидамли бўлишнинг энг ишончли, мақбул ечимидир. Нохолис ахборотга қарши иммунитетни мустаҳкамлаш эса ҳақиқий ахборот таъминоти билангина амалга оширилади. Ахборот маконидаги истеъмол маданиятини юксалтириш учун медиа маҳсулотлар сифатини яхшилаш зарур.

Демак, давлат медиа макондаги барқарорликни таъминлаш учун, аввало, медиаматериаллар сифатини юксалтиришга эътибор бериши керак. Бу эса, ўз навбатида, қатор вазифалар амалга оширилишини назарда тутади.

Аввало, “яхши ишлаб чиқарувчидан яхши маҳсулот” мантиғига кўра, ОАВ таҳририятлари салоҳияти юксалтирилиши, хусусан, малакали кадрлар, замонавий техника, молиявий барқарорлик таъминланиши даркор.

Жамоатчиликни ишончли ахборот билан таъминлашда даврий босма нашрлар энг мақбул танлов бўлиши мумкин. Тўғри, бу гапга жавобан, “нашрларнинг адади кам”, “ким ўқийди ҳозир газеталарни” каби муносабатлар айтилиши табиий. Лекин уларнинг барча медиаманзиллардаги имкониятини яхшиласакчи, деган фикрни ҳам ўйлаб кўриш зарар қилмайди.

Бундан ташқари, бугун инсонларнинг мобил қурилмаларга боғланиб қолиши натижасида келиб чиқадиган зарар ва турли хатарлар жиддий ташвиш туғдираётгани сир эмас. Жумладан, ижтимоий тармоқда эълон қилинаётган огоҳликка даъват этувчи материалларда ҳам гаджетларга қарамликнинг зиёни, бундай кишиларнинг миясидаги биокимёвий ўзгаришлар гиёҳвандлик давридаги ўзгаришлар билан бир хил бўлиши ҳақида маълумот берилмоқда.

Даврий босма нашрлар мутолааси эса мутлақо зиён ва хатарлардан ҳолидир. Бундан ташқари, мутолаанинг инсон хотирасини мустаҳкамлаб, тафаккурни ривожлантириши, сўз бойлигини ошириши, одамлар билан мулоқотни яхшилаши, ўзига бўлган ишончни кучайтириши, уйқуни яхшилаши ва асаб тизимини мустаҳкамлаши каби қатор фойдалари исботланган. Ҳаттоки илмий тадқиқотлар мутолааси альцгеймер касаллигидан сақланишда ҳам фойда беришини кўрсатган.

Масаланинг сиёсий аҳамиятига қайтайлик. Давлат ўз миллий матбуотини ривожлантириш орқали миллий медиа макондаги сифатни яхшилаши, аҳолининг медиа саводхонлигини ошириши, шунингдек, ташқи кучларнинг ахборот хуружларига қарши кураша оладиган қудратли медиа армияни шакллантириши мумкин.

Бунинг учун муассисларнинг нашрлар олдидаги мажбуриятларини бажариши борасидаги масъулиятини кучайтириш зарур бўлади.

Ўзбекистон Республикасининг “Оммавий ахборот воситалари тўғрисида”ги қонунида оммавий ахборот воситасининг чиқарилиши муассиснинг мажбуриятларидан бири сифатида қайд этилган. Шунингдек, Президентнинг 2022 йил 27 июндаги ПҚ-294-сонли қарорида муассислар ўзларига қарашли таҳририятларни молиявий қўллаб-қувватлаши, малакали кадрлар билан таъминлаш ҳамда даврий босма нашрларнинг замонавий электрон нусхасини яратиши, интернет билан интеграциялашуви учун зарур ёрдам кўрсатиши зарурлиги белгиланган.

Мазкур қонун ва қарор ижроси қанчалик таъминланмоқда? Даврий босма нашрлар ўз муассисларидан етарли эътибор кўряптими? Бу саволларга даврий нашрларнинг бугунги адади орқали жавоб олиш мумкин.

Аслида, даврий нашрлар улкан имконият манбаи бўлиб, уларни қўллаб-қувватлаш давлатнинг, энг аввало, муассис идоранинг медиақувватини ошириш демакдир. Ахборотларни жамоатчиликка етказиш, соҳани ёритишга хизмат қилувчи ихтисослашган профессионал журналистларни тайёрлаш каби мақсадларга айнан шу эътибор орқали эришиш мумкин.

Сўнгги йилларда “мажбурий обуна”га қарши ҳаракатлар атрофидаги муҳокамалар ҳам жамоатчилик эътиборини тортган мавзулардан бўлди. Лекин, ростини айтганда, буни газета-журналларга қарши ташкиллаштирилган ҳаракат сифатида баҳолай олмайман. Боиси, ***бир пайтлар корхона ва ташкилотлар, таълим муассасаларида моддий манфаат эвазига ишчи-ходимлар, ўқитувчи ва ўқувчиларни, талабаларни оммавий равишда обунага мажбурлаш авж олгани бор гап. Бироқ, ўша мажбурий тиқиштирилган нашрларнинг аксарияти кўнгилочар газеталар эди. Обунадан улуш олиш келишуви асосида ташкил этилган мазкур кампаниялар жамоатчиликнинг эътирозларига сабаб бўлди.***

Таълим тизимига ва бошқа соҳаларга тааллуқли тармоқ нашрлари эса вазият қурбонига айланди. Тўғриси, обуна билан боғлиқ бу ҳолат барча даврий нашрларга салбий таъсир кўрсатди.

Қувонарлиси, қанчалик қийин бўлмасин аста-секин босма нашрлар ўз саҳифаларида долзарб мавзуларга оид яхши мақолалари билан яна ўқувчилар эътиборини, эътирофини қозонишни уддаламоқда. Лекин уларнинг мавқеини тиклаш, кучли медиа ресурсларга айланиши учун фақатгина таҳририятлар ҳаракати камлик қилиши аниқ. Шу мақсадда бугун медиа қўшинимизнинг куч-қудрати ва салоҳиятини ошириш учун муассисларнинг эътибор ва қўллаб-қувватлаши сув ва ҳаводек зарур.

Таҳририятнинг ривожланиши муассис мавқеини мустаҳкамлаш ва ахборот-тарғибот кампанияси самарадорлигини оширишга хизмат қилишини инобатга олсак, аслида муассис ўзи учун инвестиция киритган ҳисобланади.

Бугунги эҳтиёж ва заруратлар газеталарга ижтимоий лойиҳа сифатида қарашни талаб қилмоқда, десак хато бўлмайди. Газета ва унинг барча ахборот ресурслари муассис, идора, тизим ташкилотлари томонидан амалга оширилаётган ишлар, уларнинг мазмун-моҳиятини кенг ёритишга хизмат қилар экан, бундан, энг аввало, муассис манфаатдор. Унинг имижи, манфаати устуворлик касб этмоқда. Бундан ташқари, ҳар бир ахборот пухта тайёрланган ва ишончли бўлади.

> **Бу мақсадлар ҳар бир муассис зиммасига ўз нашри таҳририятини билимли кадрлар билан бойитиш, мавжуд жамоанинг билим ва касбий кўникмаларини мустаҳкамлаш, муносиб иш ҳақини таъминлаш каби муҳим вазифаларни юклайди. Таҳририят обуна ва иш ҳақи каби ташвишлардан буткул халос бўлиши зарур. Натижада жамоа бор куч-ғайрати ва билимини ижодий ишларга сарфлайди. Ҳар бир материали қизиқарли бўлиши учун интилади.**

Эътибор ва мададни ҳис этган газета эса мутолаа маданиятини юксалтириш, “кирланмаган” ахборот билан таъминлаш ва бу орқали билимли, кенг дунёқарашга эга, турли манипуляцияларга чидамли жамиятни шакллантиришга хизмат қилади.

Бугун газета ўқиб, ундан ҳузур топа биладиган кишилар кўп дея мақтанолмаймиз, афсуски. Мутолаа завқидан йироқ жамият эса турли шов-шувларга, енгил-елпи кўнгилочар хабарларга ўч бўлиб бораверади.

Мутолаа маданиятини юксалтиришда бадиий адабиёт қай даражада катта аҳамият касб этса, матбуот нашрлари ҳам асло ундан кам эмас. Боиси, газета ва журналларда чоп этилаётган яхши материалларни ўқиганингизда муаллифнинг кўплаб китоб ва бошқа манбалардан йиққан ахборотларни жамлагани кўринади. Бу матбуотнинг энг устун жиҳатларидан биридир.

Шу маънода, метро бекатлари, савдо мажмуалари, олий таълим муассасаларида газета расталари ўрнатиш ва ўқувчиларга текин тарқатиш орқали мутолаа маданиятини юксалтириш мумкин.

Албатта, бу ишлар катта маблағ талаб қилади. Лекин сарф этиладиган маблағлар жамият маънавий даражасини юксалтириш, аҳолининг, айниқса, ёш авлод тафаккурини бойитиш, жамоатчилик назоратини ривожлантириш, шу билан бирга, ахборот хуружларидан ҳимояланиш самарадорлигини оширишга хизмат қилади. Оммавий ахборот воситаларини сиёсий шарҳловчи ва журналистлар билан таъминловчи амалий мактабга айланиши мумкин. Бундан ташқари, муассис ташкилот тадбирларини ёритиш учун бошқа ОАВлар ёрдамига муҳтожлик қолмайди.

Газеталарнинг ижтимоий тармоқлардаги саҳифаларини ривожлантириш орқали ҳам ушбу медиамакондаги савиясизликка қарши самарали курашиш мумкин. Бу борада Касаба уюшмалари федерацияси муассислигидаги “Ishonch” ва Самарқанд вилояти ҳокимлигининг “Zarafshon” газеталарини алоҳида ибрат қилиб кўрсатиш мумкин. Қувонарлиси, бундай нашрлар сафи кенгаймоқда.

Таҳририятда маркетинг хизматини йўлга қўйиш, унинг даромад топиш қобилиятини ошириш ҳам устувор вазифалардан биридир. Реклама ва эълонлардан ташқари медиаматериаллар савдоси орқали ёки жамоатчилик муҳокамасига сабаб бўлаётган воқеа-ҳодисалар бўйича экспертлар муносабати билдирилган интервьюлар, долзарб мавзуларга оид шоу дастурлар тайёрлаб телеканалларга пуллаш ёки интернет ресурсларидаги саҳифаларда эълон қилиш орқали даромад топиш мумкин.

Бундан ташқари, газеталар “етказиб бериш хизмати”ни амалга ошириш бобида ҳам яхшигина дастёр бўла олади. Муассис ёки бошқа ташкилотларнинг байрам табриклари, реклама мазмунидаги махсус буклет ва тарқатма материалларини газета ичига жойлаган ҳолда кенг тарқатиш мумкин. Ҳар бир хонадонга кириб борган қутловлар, кўркам дизайнга эга реклама хабарномалари халқ билан янада яқин бўлишга, жамоатчиликнинг илиқ муносабатини қозонишга хизмат қилади.

Даврий босма нашрларни қўллаб-қувватлаш борасида АҚШда нашрларни етказиб бериш бўйича почта хизмати нархининг чегирма тизими, Германияда солиқ имтиёзи бериш, Исроилда соҳа ходимлари малакасини ошириш ва олий таълим олишларини давлат ҳисобидан молиялаштириш, Россия, Туркия ва Қозоғистонда субсидия ажратиш амалиёти мавжуд.

Хулоса қилиб айтганда, газетага кўрсатиладиган эътиборнинг даражаси ундан келадиган самаранинг салмоғини белгилайди.

---

“ADOLAT” шарҳи

**Президент Шавкат Мирзиёев ташаббусига биноан бошланган кенг кўламли суд-ҳуқуқ ислоҳотлари изчиллик билан амалга оширилаётир. Якунланган 2023 йилнинг 25 декабрида Ўзбекистон Республикасининг “Суд қарорларининг қонунийлиги ва асослилигини текшириш тартиби такомиллаштирилиши муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг Иқтисодий процессуал кодексига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида”ги қонунининг қабул қилиниши ҳам тизимдаги ислоҳотлар самарасидир.**

***Жамила АКРАМОВА,
Фарғона вилоят судининг судьяси***



# ИШЛАРНИ ТАФТИШ ТАРТИБИДА КЎРИШ

## энди иқтисодий судловда ҳам амалга оширилади

Мазкур қонун асосида юз берган энг муҳим янгилик, бу – Иқтисодий процессуал кодексига “Суд ҳужжатларини тафтиш тартибида қайта кўриш бўйича иш юритиш” деб номланган янги 36-бобнинг киритилишидир. Айни боб кодекснинг 307-324$^{12}$-моддаларини ўз ичига олади.

Иқтисодий процессуал кодексининг 307-моддасига мувофиқ, апелляция ёки кассация тартибида кўрилган ишлар бўйича туманлараро, туман, шаҳар иқтисодий судларининг қонуний кучга кирган ҳал қилув қарори, ажрими, қарори, шунингдек, апелляция ёки кассация инстанцияси судининг қарори устидан Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибида шикоят қилиниши (протест келтирилиши) мумкин. Кодекснинг 308-моддасида эса Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатида тафтиш тартибида кўрилган ишлар бўйича суд ҳужжатлари, шунингдек, тафтиш тартибида қабул қилинган суд ҳужжатлари устидан Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси, Ўзбекистон Республикасининг Бош прокурори томонидан протест келтирилганда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Раёсати томонидан кўрилиши белгиланган.

Шуни унутмаслик керакки, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) ишни тафтиш тартибида кўрадиган Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари номига йўлланади, бироқ ҳал қилув қарорини қабул қилган судга берилади. Ҳал қилув қарорини қабул қилган суд тафтиш тартибидаги шикоят (протест) келиб тушган кундан эътиборан беш кунлик муддатда уни ишни тафтиш тартибида кўрадиган судга иш билан бирга юбориши шарт.

Тафтиш тартибидаги шикоят (протест) биринчи инстанция судининг ҳал қилув қарори, ажрими, қарори қонуний кучга кирган кундан эътиборан бир йил ичида берилади. Бу қоида кодекснинг 310-моддасида қайд этилган. Қорақалпоғистон Республикаси судига, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларига тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бериш муддати кассация инстанцияси суди томонидан қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибдаги шикоят (протест) кассация инстанцияси суди қарор қабул қилган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши мумкин. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига тафтиш тартибида шикоят (протест) бериш муддати Қорақалпоғистон Республикаси суди, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судлари томонидан ишни тафтиш тартибида кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилингунига қадар ўтган бўлса, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) ушбу судлар томонидан ишни кўриш натижалари бўйича қарор қабул қилинган кундан эътиборан уч ой ичида берилиши белгиланган.

Иқтисодий процессуал кодексининг 318-моддасида таъкидланишича, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг раиси ва унинг ўринбосарлари, Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси тафтиш тартибидаги шикоят (протест) бўйича ишни тегишли суддан талаб қилиб олишга ҳақли. Бош прокурор ва унинг ўринбосарлари, Қорақалпоғистон Республикаси, вилоят, Тошкент шаҳар прокурорлари ва уларнинг ўринбосарлари ўз ваколатлари доирасида, ушбу Кодекснинг 307-моддасида кўрсатилган шахсларнинг мурожаати мавжуд бўлган тақдирда ёки прокурор иштирокида кўрилган ишлар бўйича тафтиш тартибида протест киритиш тўғрисидаги масалани ҳал этиш учун тегишли иқтисодий суддан ишни талаб қилиб олиш ҳуқуқига эга.

Кодекснинг 319-моддасида тафтиш тартибидаги шикоят(протест)нинг Олий суд судьяси томонидан ўрганиш тартиби ўз аксини топган. Ўзбекистон Республикаси Олий судининг судьяси тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) қабул қилишни рад этиш ёки қайтариш тўғрисида беш кундан кечиктирмай ажрим чиқаради, тафтиш тартибидаги шикоятни Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига кўриб чиқиш учун ўтказишни рад этиш тўғрисида ёки тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш ва уни кўриб чиқиш учун иш билан бирга Ўзбекистон Республикаси Олий судининг Иқтисодий ишлар бўйича судлов ҳайъатига ўтказиш тўғрисида эса шикоят (протест) Ўзбекистон Республикаси Олий судига келиб тушган кундан эътиборан ўттиз кундан кечиктирмай ажрим чиқаради.

Бундан ташқари, Иқтисодий процессуал кодексининг 322-моддасига биноан, тафтиш тартибидаги шикоят (протест) юзасидан ёзма фикр билдириш мумкин. Яъни ишда иштирок этувчи шахс тафтиш тартибидаги шикоятнинг (протестнинг) кўчирма нусхасини олганидан кейин унинг юзасидан ёзма фикрини ҳамда ишда иштирок этувчи бошқа шахсларга ушбу ёзма фикрнинг кўчирма нусхалари юборилганлигини тасдиқловчи ҳужжатларни тафтиш тартибидаги шикоят (протест) кўриб чиқиладиган кунга қадар етиб боришини таъминлайдиган муддатда, тафтиш тартибидаги шикоятни (протестни) иш юритишга қабул қилиш тўғрисида ажрим чиқарилган кундан эътиборан йигирма кундан кечиктирмай судга юборишга ҳақли.

Кодекснинг 3241 ва 3246-моддаларига мувофиқ, агар тафтиш тартибидаги шикоят (протест) иш юритишга қабул қилинганидан сўнг унинг имзоланмаганлиги ёхуд уни имзолаш ҳуқуқига эга бўлмаган ёки мансаб мавқеи ёхуд фамилияси ва исми-шарифининг бош ҳарфлари кўрсатилмаган шахс томонидан имзоланганлиги аниқланса, ишни тафтиш тартибида кўраётган суд шикоятни (протестни) кўрмасдан қолдиради.Суд ишни тафтиш тартибида кўриш чоғида қуйи инстанция судлари томонидан моддий ҳуқуқ нормалари тўғри қўлланилганлигини ва процессуал қонун талабларига риоя этилганлигини иш материаллари бўйича текширади.

# “Сиз ахир, осмонни оламан десангиз, мен нечун елкамни тутиб бермайин...”

## Зеро, илм-фан эртасини ёшлар яратади!

**Бутун дунё жуда яхши биладики, юртимиз қадим замонлардан, бундан минг йиллар илгари ҳам илм-фаннинг бешикларидан бири бўлган. Улуғ боболаримиз Муҳаммад Хоразмий, Абу Райҳон Беруний, Абу Али ибн Сино, Аҳмад Фарғоний, Абу Наср Форобий, Исмоил Бухорий, Имом Мотуридий, Бурҳониддин Марғиноний, Мирзо Улуғбек, Алишер Навоий ва бошқа кўплаб алломаларнинг ўз даврларида фундаментал тадқиқотлари билан астрономия, математика, география, тиббиёт, физиология, кимё, ислом фалсафаси, филология ва шу каби кўплаб фанларга асос солганлар. Улар ўзларининг оламшумул кашфиётлари боис дунёнинг етти иқлимида маълум ва машҳур бўлганлар. Дунёнинг манаман деган мутафаккирлари, ўткир ақл эгалари уларнинг беқиёс хизматларини эътироф этганлар.**





**Баҳром АБДУҲАЛИМОВ,**
**Ўзбекистон Фанлар академияси вице-президенти, тарих фанлари доктори, профессор**

Яқинда ташкил этилганининг 80 йиллиги кенг нишонланган Ўзбекистон Фанлар академиясининг асл замини ана шундай қадимий ва бақувват илдизларга бориб тақалади. Ҳозирда Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси тарихан шаклланган илмга бўлган юксак ҳурмат ва эҳтиромни миллий анъана сифатида сақлаган ҳолда илмнинг жадал ва замон талабларига уйғун тарзда ривожланишига ўзининг муносиб ҳиссасини қўшиб келмоқда.

Фанлар академиясининг 80 йиллик юбилейи муносабати билан ўтказилган тантанали тадбирда Президентимиз Ўзбекистон Фанлар академияси жамоасига ўз табригини йўллади. Табрикда “Улуғ аллома Маҳмуд Қошғарийнинг ***“Олимнинг ёстиғи тошдандир”, деган сўзларида илм аҳли изланиб, машаққат чекиб бўлса-да, доимо одамларга нур улашиб яшайди, деган ҳикмат мужассам эканини сизлар, албатта, яхши тушунасиз. Биз сизларнинг тимсолингизда бамисоли игна билан қудуқ қазиб, янги тадқиқот ва ишланмалар яратаётган, Янги Ўзбекистоннинг илмий-интеллектуал салоҳиятини юксалтириб келаётган ана шундай фидойи инсонларни кўрамиз”,*** деган самимий ва илиқ сўзларини келтириб ўтди. Ушбу табрик Фанлар академиясининг катта жамоасидаги ҳар бир ходимнинг қалбида чексиз қувонч ва фахр туйғуларини уйғотди. Буни ўша куни муҳташам Форумлар саройида ич-ичидан мамнунлик ва бахт тушунчасини англаб турган ҳар бир нигоҳда англаш мумкин эди. Аслида 80 йиллик муносабати билан ўтказилган ҳар бир тадбир, халқаро анжуманлар ўтаётган йиллар сарҳисобини қилиш ва Фанлар академиясининг келгуси режаларини тузиш фурсати бўлди. Сўнгги йиллар Фанлар академияси фаолиятида ҳам ижобий ўзгаришлар даври бўлди. Буни сарҳисоб қилингандаги воқеалар ва рақамлар кўрсатиб турибди.

Ҳақиқатан, кейинги йилларда Фанлар академиясига эътибор тубдан ўзгарди. Унинг фаолиятини такомиллаштириш ва қўллаб-қувватлаш, юқори малакали илмий кадрлар тайёрлаш даражаси ва сифатини ошириш орқали ижтимоий-иқтисодий ривожланишда илм-фаннинг ролини янада мустаҳкамлашга қаратилган қатор муҳим қонунлар, илмий тадқиқотларни ташкил этиш, бошқариш ва молиялаштириш борасида салмоқли ишлар амалга оширилиб келинмоқда. Мазкур чора-тадбирлар академик тадқиқотларнинг кадрлар, моддий-техника ҳамда молиявий базасини кўп жиҳатдан мустаҳкамлаш ва уларни мамлакатдаги долзарб ижтимоий-иқтисодий муаммолар ва муҳим илмий ишланмаларга йўналтириш имкониятини бермоқда.

2017 йилда Ўзбекистон Фанлар академиясига бўлган эътибор сабаб узоқ йиллар кутилган унинг янги аъзоларининг сайлови бўлиб ўтди. Унда Фанлар академиясининг 32 нафар ҳақиқий аъзоси (академиклар) сайланди. 2023 йилда бўлиб ўтган сайловларда яна 16 нафар олим академиклар сафига қўшилди.

Фанлар академияси Ижтимоий-гуманитар фанлар йўналишида бугун том маънодаги улкан ўзгаришлар кузатилмоқда. Ҳукумат қарори билан унинг тизимида 2020 йилда Давлат ва ҳуқуқ институти ташкил этилди. Қисқа давр мобайнида институт жамият ва давлат қурилиши, суд-ҳуқуқ ва ижтимоий-иқтисодий соҳаларда амалга оширилаётган ҳуқуқий ислоҳотларга маслаҳат ва эксперт ёрдамини ташкил қилиш жараёнларидаги фаоллигини алоҳида таъкидлаш ўринли.

Энг сўнгги янгиликлар сифатида шуни айтиш мумкинки, шарқшунос олимларимиз томонидан 13 000 жилд қўлёзма асарлар тавсифини ўз ичига олган электрон веб-каталог яратилди, Абу Райҳон Беруний танланган асарларининг тўлдирилган 8 жилди чоп этилди.





Самарқанд вилоятининг Кофирқалъа, Наманган вилоятининг Ахсикент, Жиззах вилоятининг Тошбулоқ, Сурхондарё вилоятининг Қадимги Термиз ёдгорликларида олиб борилган археологик тадқиқотлар халқаро миқёсда эътироф этилди, улар Ўзбекистонга туристлар оқимини жалб этишга хизмат қилмоқда. Замонавий тадқиқот услубларидан кенг фойдаланган ҳолда Фарғона водийсини археологик ўрганиш асосида “Сўх қадимда ва ўрта асрларда” номли монография нашр этилди. Илк ўрта асрлар Хитой манбалари асосида “Марказий Осиё халқлари тарихига оид маълумотлар (Қадимий ҳамда илк ўрта Хитой манбаларидан таржималар ва тадқиқотлар)” тақдим этилди. Қорақалпоғистон бўлими Ижтимоий фанлар илмий тадқиқот институти олимлари томонидан “Қорақалпоқ халқ эртакларининг жанр хусусиятлари ва поэтикаси”, қорақалпоқ маданияти ва санъатига бағишланган “Между Аралом и Аму: искусство каракалпаков” номли китоб-альбом чоп этилди. Тилшунос олимларимиз “Ўзбек тилининг изоҳли луғати”ни янгиланган ва лотин ёзувига асосланган ўзбек алифбосига мувофиқ яратишда жонбозлик кўрсатдилар.

Сўнгги йилларда турли соҳаларга бериб юборилган қатор муассасаларнинг Фанлар академияси тизимига қайтарилиши, янги илмий даргоҳлар ташкил этилиши орқали Фанлар академиясининг илмий муассасалари сони ошиши, соҳага бўлган эътибор натижасида илм-фанда ёшларнинг сафи кенгайиши кузатилди. Яратилган имконият, кўрсатилаётган эътибор илм-фанда ўз натижасини бера бошлади. 2017 йилда Навоий кон-металлургия комбинатининг ташкилий, моддий-техник ва молиявий кўмагида Фанлар академиясининг энг ёш бўлими – Навоий филиали ташкил этилди. Академиянинг қайта тикланган Ядро физикаси институтининг илмий тадқиқот ядро реактори қайта ишга туширилди. Натижада радиоизотоп маҳсулотларга мамлакатнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш, валютани тежаш ва маҳсулот экспортини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди. Бугун бу илмий тадқиқот муассасамизда ядро тиббиёти ривожи учун асос бўладиган, миллат саломатлиги учун хизмат қиладиган препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.

> **Академиянинг қайта тикланган Ядро физикаси институтининг илмий тадқиқот ядро реактори қайта ишга туширилди. Натижада радиоизотоп маҳсулотларга мамлакатнинг эҳтиёжини тўлиқ қондириш, валютани тежаш ва маҳсулот экспортини йўлга қўйиш имконияти пайдо бўлди. Бугун бу илмий тадқиқот муассасамизда ядро тиббиёти ривожи учун асос бўладиган, миллат саломатлиги учун хизмат қиладиган препаратлар ишлаб чиқарилмоқда.**

Юртимизда биринчи марта Ўсимлик моддалари кимёси институти ҳузурида GMP (Good management practice) халқаро талаблар асосида янги дори субстанциялари ишлаб чиқариш технологиясини йўлга қўйиш бўйича илмий-техник марказ ташкил этилгани ҳам ўзига хос янгилик бўлди. Бу ерда импорт ўрнини босувчи ва экспортга йўналтириладиган қирқдан ортиқ дори-дармон ишлаб чиқариш технологиялари фармацевтика корхоналарига берилади.

Умуман, бугун илм қиламан, янгилик яратаман, деган олимлар учун барча шароит яратиляпти. **Бу шунчаки гап эмас. Масалан, бундан 6-7 йил олдин илмий ташкилотларда олимлар арзимас маошга ишлагани сабабли ёшларнинг илмга кириб келиши, уни давом эттириши асосий муаммолардан эди. Бугун эса ёшларнинг ўзи илм-фанга қизиқиш билдирмоқда.** Давлат раҳбарининг шахсий ташаббуси билан яратилаётган ёшлар сиёсати натижасида Фанлар академиясида ҳам қалби қайноқ, эртаси умидли ёшлар кўпаймоқда.

Бугун юртимизда том маънода дунёга машҳур алломаларнинг издошлари етишиб чиқмоқда. Хусусан, илм йўлида изланаётган ёшларимизнинг бир қанчаси TWAS(-Жаҳон фанлар академияси)нинг қатор мукофотларини қўлга киритган. Жумладан, ўзбек математикларидан 4 нафари Жаҳон фанлар академияси академиги, 6 нафари TWASнинг ёш олимлар бўлими аъзоси саналади. Сафимизга билимли, тиришқоқ ёшлар қўшилишда давом этяпти. Улар ўзбек илм-фанининг келажагидир.

Қолаверса, ёшларимизнинг илмий тадқиқотларини қўллаб-қувватлаш, уларга кўмаклашишга алоҳида эътибор қаратяпмиз. Уларнинг илмий изланишлари асосида маҳаллий хомашёдан импорт ўрнини босувчи, экспортбоп кўплаб маҳсулотлар ишлаб чиқарилмоқда. Жумладан, олимларимиз моносилан ва поликристалл кремний олишнинг янги технологиясини яратишга муваффақ бўлди. Мазкур ишланма Ўзбекистон, АҚШ, Япония, Жанубий Корея, Хитой, Тайвань ва Европа Иттифоқи мамлакатларида патент билан ҳимояланган.

Бир қатор давлатларнинг Фанлар академиялари билан илмий-техник ҳамкорликни ривожлантириш бўйича битимлар амалга оширилиб келиняпти. Жумладан, Жанубий Корея билан ҳамкорлик доирасида Майданак обсерваториясида тарқоқ юлдуз ғужлари ва яқин галактикалардаги фаол жараёнларни кузатиш олиб борилди. Натижада 2017 йилнинг май ойида янги юлдуз топилиб, “SN 2017ein”, деб номланди. Академия олимларининг илмий ишланмалари бугун барча соҳадаги ихтироларга асос бўляпти. Илк бор юқори энергиялардаги ядро ва ядро тўқнашишлари натижасида янги резонанс заррача ҳосил бўлиши дунёда биринчи марта кашф этилди. Сўнгги йилларда Россия Фанлар академияси, Беларусь ва Қирғизистон Миллий Фанлар академиялари, Қозоғистон, Татаристон, Хитой Фанлар академияси, Мўғулистон, Тожикистон каби давлатларнинг йирик илмий муассасалари билан халқаро илмий-техник алоқаларимиз сезиларли даражада мустаҳкамланди. Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси “Бир макон, бир йўл” ташаббуси доирасида халқаро илмий ташкилотлар альянсининг таъсисчиларидан бири бўлди.

ЮНЕСКО, МАГАТЭ (Атом энергияси халқаро агентлиги), МААН (Фанлар академиялари халқаро уюшмаси) ва TWAS халқаро ташкилотлари, Россия, Украина, Беларусь, МДҲ давлатлари ва бошқа мамлакатлар, Хитой, Жанубий Корея Фанлар академиялари билан самарали ижодий ҳамкорлик ўрнатилган. Турли мамлакатлардаги нуфузли илмий даргоҳлар билан икки томонлама манфаатли битимлар тузилди. Бу ҳам мамлакатимиз олимларини жаҳон ҳамжамиятида ўз ўрнини муносиб эгаллаётганини кўрсатмоқда.

Эътиборлиси, мазкур жараёнларда ёшларнинг фаоллиги сезиляпти. Бугун ўзбек илм-фанининг муносиб ворислари, билимга чанқоқ янги авлоди етишиб келмоқда. Уларнинг жаҳон илм майдонида айтадиган ўз сўзлари бор. Мана шундай ёшлар янги Ўзбекистоннинг ёрқин келажагидир. Бежиз илм-фанга бу даражада юксак этибор берилмаяпти, олимларнинг машаққатли меҳнати, игна билан қудуқ қазишдек заҳматини англаш учун олим бўлмоқ, уларнинг йўлидан юрган бўлишингиз керак. Бу борада бахтимиз давлат раҳбарининг илм билан шуғулланган, олимликнинг залворли юкини кўтарган инсон эканлигидадир. Эрта учун энг муҳим қадамлар бугундан бошланади. ***“Илм яккаю ягона нажотимиз”*** эканлигини англаб, эртанги кун эгалари, ёш олимларга ишонч билдириб ***“Сиз ахир, осмонни оламан десангиз, мен нечун елкамни тутиб бермайин...”*** деяётган йўлбошчига камарбаста бўлиш, қўллаб-қувватлашга биз олимлар, зиёлилар бурчлимиз. Биз, катта авлод вакиллари ва ёшларнинг юрт эртаси учун бирлашиши янги илм-маърифат эгалари улғайишига, миллат сифатида юксалишимизга сабаб бўлади.

> Ўзбекистон Фанлар академияси ўзининг 80 йиллик тўйига ана шундай янгиланишлар, назарий тадқиқотлар ва амалий ишланмалар билан келди. Олимларимизнинг илмий фаолиятларини янада самарадор бўлишига эришишни давримизнинг ўзи талаб қилиб турибди. Фанлар академиясининг ҳар бир аъзоси янги Ўзбекистонни қуриш, учинчи Ренессанс пойдеворини яратиш, бу йўлда фаол меҳнат қилиш масъулиятини юракдан ҳис этиб, астойдил меҳнат қилмоқда.

---

Фикр

# Мутолаа ҳақида



**ҲЕРМАНН ҲЕССЕ**

**Кўпчилик китоб ўқишни билмайди ва кўп кишилар нима учун ўқиётганини тузукроқ тушунмайдилар. Баъзилар буни ўқимишли бўлишнинг қийин ва ягона йўли деб билади. Улар учун ҳар қандай китоб кишини «ўқимишли» қилади. Бошқа бировлар учун эса ўқиш – дам олиш, шунчаки вақтни ўтказиш ва уларга нимани (*мақола, роман, шеър, хабар ва ҳоказо*) ўқиш барибир, зерикарли бўлмаса, бас.**

Шунчаки дам олиш, вақт ўтказишни истаган ва “ўқимишли” бўлиш ҳақидагина қайғурган китобхон китобдаги дилни покловчи, кишини руҳлантирувчи қандайдир номаълум бир кучни сезади. Бироқ бу кучни у аниқ тасаввур этолмайди ва баҳолай ҳам олмайди. Бундай китобхон тиббиётдан мутлақо бехабар беморга ўхшайди, яъни айнан қайси дори кераклигини тушунмасдан, ҳар бир қутичадагидан татиб кўра бошлайди. Аслида, мутолаа борасида ҳам ҳар бир киши ўзи учун зарур бўлган, янги куч ҳамда руҳий таъсир бахш этадиган китобларни топа билиши керак эмасми?!

Биз, муаллифларга одамларнинг кўп мутолаа қилишлари, албатта, ёқимли, аммо айнан ижодкорнинг менинг асарларимни, ҳаддан зиёд кўп ўқишмоқда, дейиши ноўриндир. Чунки мингта лоқайд китобхондан ўнта яхши китобхон дуруст. Шу боис, бемалол таъкидлашим мумкинки, ҳамма жойда ҳаддан зиёд кўп мутолаа қилишади ва бу – адабиёт учун обрў эмас, зиён келтиради. Китоб мустақил бўлмаган кишиларни яна ҳам маънавий заифлаштириш учун ёзилмайди, бундан ташқари, ундан баъзан “адиблар” ноқобил одамларга арзон-гаров тасвир ҳамда осонгина ўзгартирилган ҳаётни кўрсатиш учун ҳам фойдаланишади. Китоблар инсонни ҳаётга йўллагандагина, унга хизмат қилгандагина фойдалидир. Агар китоб ўқувчига оз бўлса-да, куч-ғайрат, шижоат, маънавий поклик бахш этмаса, мутолаа учун сарф этилган ҳар бир соат беҳуда, бесамар бўлиб қолаверади.

Шунчаки ўқиш – бу диққатни тўплашга мажбур этувчи машғулот ва овуниш учунгина ўқиш – ўз-ўзини алдашдир. Лоқайд кишилар учун, умуман, бирор нарсадан овунишнинг ҳожати йўқ. Аксинча, улар ҳамма жойда диққат-эътиборли бўлишлари, қаерда нима билан машғул бўлишмасин, нима ҳақда фикр юритишларидан қатъи назар, ўзларини бутун вужудлари билан воқеалар гирдобида ҳис этмоқлари зарур.

Ҳаёт қисқа, унинг поёнида ҳеч кимдан ўқилган китоблар сони сўралмайди. Бирор фойдаси бўлмаса, ўқишга вақт сарфлаш ақллилик белгиси эмас, аксинча, кони зиён эмасмикан?! Мен бу ўринда фақат ёмон китобларни эмас, авваламбор, сифатли мутолаани назарда тутаяпман. Ҳаётда ҳар бир қадаминг каби ўқишдан ҳам бирон натижа кутилади. Мутолаадан янги куч-ғайрат олмоқ учун аввалига куч сарф этмоқ, ўзингни янада яхшироқ тушунмоқ учун олдин ўзингни “йўқотмоқ” керак бўлади.

Агар ҳар бир ўқилган китоб қувонч ва алам, шижоат ҳамда руҳий тазарру олиб келмаса, жаҳон адабиёти тарихини билишдан маъно йўқ. Фикр-мулоҳаза қилмасдан ўқиш – хушманзара табиат қўйнида кўзни боғлаб юрмоқ демакдир. Биз ўзимизни ва турмушимизни унутиш учун эмас, балки ҳаёт жиловини янада онглироқ равишда жиловлаш учун ўқишимиз керак. Китобга димоғдор ўқитувчига қараган қўрқоқ ўқувчи сингари эмас, балки энг баланд чўққини забт этмоққа шайланган шиддаткор алпинист каби ёндашмоқ талаб этилади.

*Диққат, янги рукн:* **ЁШЛАР КАТТАЛАР ҲАҚИДА**



Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди деганларидек, бировнинг фарзанди устидан кулишга шошилманг! Аслида ҳозирги ёшларнинг бу қадар илмсиз бўлиб кетаётганида катталар, ота-оналар, умуман, ҳар биримизнинг айбимиз бор. Ота-оналар, катталар телефонларида "Ўзбекистон тенгдир Ўзбекистонга!", "Ҳаммасига кулиб қўйдим!" каби видеоларни кўрганларидан кўра, китоб ва газета ўқишса, фарзандлар уларга эргашади. Аниқроқ айтадиган бўлсам, фарзандларингиз шунда "Қизил кўйлагим"ни четга суриб, бир пайтлар дунёни титратган "Ўзбегим"ни эшитади.

# ҒАФЛАТДАН УЙҒОНАЙЛИК...

**"Ҳаёт" дея аталган улкан дошқозонда умримиз қайнар экан, тирикликнинг муҳим омили сифатида ўқиб-ўрганишни эмас, нафсга бўйсуниб, ундан роҳат қидиришга интиламиз. Ўзликни йўқотиб, тубсиз жар ёқасида бир-биримизнинг оёғимизни чаладиган, шундан ҳузур оладиган манқуртларга айланамиз.**

**Илҳомжон АБДУСАЛОМОВ,**
**ЎзДЖТУ талабаси**

Бугун жамиятда шунчаки ғимирлаб туриш одатий ҳолга айланди. Турмушда кўпнинг ҳақини ейиш эвазига пул, давлат, обрў ва шуҳрат топишга ҳамда ўткинчи ҳою-ҳаваслар борасида бир-биримиздан ўзишга интилганимиз, шунга зўр берганимиз оқибатида бу ҳолат жамият тараққиётига салбий таъсир кўрсатмоқда. Буни ижтимоий тармоқлардаги "фаолият"имиз ҳам исботлайди.

*Яқинда "Instagram" ижтимоий тармоғида бир видеога кўзим тушди. Унда лойиҳа блогери ватандошларимизга деярли ҳамма мактабда ўрганган, елканинг устида жойлашган қовоқни сал ишлатса, топса бўладиган саволлар бермоқда. Афсуски, катталардан кўра "замонавий" ёшлар осон саволларга ҳам тўғри жавоб бера олмаяпти. Ёмон томони контентда юртдошларимиз саволни топса-топмаса, блогернинг уларга "тўппа-тўғри!" дея "рағбат" беришидир. Содда қилиб айтганда, лойиҳа блогерлари "Навоий" романини ким ёзган?" деган саволга Брюс Ли ва Жеки Чан вариантларини беради. Мактабга фақат уйдаги тарбиясини кўрсатиш учун борган, Янги йил арафасида синф хонасида пиротехника портлатган, телефондан уятсиз контент кўрган, устозларини ҳурмат қилмайдиган, уларга "сабоқ" беришни фахр деб биладиган айрим ёшлар "Брюс Ли" деб жавоб беради. Яна ўша "тўппа-тўғри!" рағбати. Ана, холос! Наҳотки, Брюс Ли Навоий ҳаёти ҳақида асар ёзган бўлса, жавоб бераётган ёшлар бу тўғрида ўйлаб ҳам кўрмайди. Алишер Навоий ҳақида асар ёзган Ойбек ҳақида мутлақо билишмайди. Чунки китоб ўқишмайди. Мана, сизга аччиқ ҳақиқат!*

Сиз-у биз буни тармоқда кўриб, ҳузур қилиб куламиз, комментни "портлатиб", изоҳ ёзишни ўринлатамиз. Кунлар ўтаверади, чеҳралар ўзгараверади. Камдан-кам ҳолда тўғри жавоб берадиганлар ҳам чиқиб қолади, ҳар тугул. Бироқ, энг ёмони, ҳеч ким бу каби ёшлар ўзимизнинг болаларимиз эканлигини эътиборга олмайди. Катталарнинг, ота-оналарнинг айби туфайли китобдан узоқлашган бу шўринг қурғурлар тармоқда бошқа "чайналадиган" қаҳрамон келмагунча асосий объективда туради. Нима деб ўйлайсиз, бундай аҳволни кўриб, бошқа миллат вакиллари ўзбекнинг болалари, ёшлари тобора оми бўлиб бораётганига ачинармиканлар?

Энди ижтимоий тармоқларни четга суриб, матбуотнинг фаол соҳаси ҳисобланмиш ойнаи жаҳондаги аҳволга бир назар солайлик. Очиғини айтиш керак, бугунги кунда кўпчилик давлат телеканалларидан кўра хусусий телеканалларни томоша қилишни афзал билишади. Чунки давлат телеканалларида берилаётган ҳар қандай медиа маҳсулот маълум бир талаблар ва мезонлар асосида тайёрланади. Баъзан азалдан мавжуд бир хил қолипга солинади. Шу билан бирга сифатли маҳсулот кенг омма аудиториясига мўлжаллангани учун кўпчилик буни тушунмайдими, деб ҳам ўйлаб қоламан.

**ТЎҒРИ, КАРВОН КЎП, РИЗҚИ БЎЛАК. ХУСУСИЙ МЕДИА МАГНАТЛАРИНИНГ ОАВ БОЗОРИНИ ЭГАЛЛАБ БЎЛГАНИНИ ТАН ОЛИШ КЕРАК. БИЛЪАКС, БУ ТЕЛЕВИЗОРДА ҲАР ХИЛ БЎЛМАҒУР МАТЕРИАЛ БЕРИБ, ХАЛҚНИНГ ОНГИНИ ЗАҲАРЛАШ МУМКИН, ДЕГАНИ ЭМАСКУ?! МУШОҲАДА ҚИЛСАК, ҲОЗИРГИ ВАҚТДА 7 ЁШДАН 70 ЁШГАЧА БЎЛГАН ТОМОШАБИНЛАР ХУСУСИЙ КАНАЛЛАРДА ҚЎЙИЛАЁТГАН "ОПАМ ОНАМ ЭКАН!" КАБИ ТУТУРИҚСИЗ МАВЗУЛАРДАГИ КИНОЛАРНИ КЎРАДИ. БУНДАН БИР НАРСА РАВШАНЛАШАДИ: ШУНДАЙ МАҲСУЛОТЛАРНИНГ САВИЯСИЗЛИГИГА, НАТИЖАДА УЙДАГИ ОНАЛАРНИНГ ФАРЗАНД ТАРБИЯСИГА ҚЎЛ СИЛТАБ, БОШҚА МИЛЛАТ СЕРИАЛЛАРИДАГИ ФАХШНИ ТАРҒИБ ЭТУВЧИ САҲНАЛАРНИ, ФИСҚУ ФАСОД, ИҒВОГА ҚАРАТИЛГАН ҒОЯЛАРНИ ТОМОША ҚИЛАЁТГАНИГА ЎКИНАСИЗ.**

Айни пайтда, ўша фильмларнинг менталитетимиз учун тўғри келмаслигига ачинасиз. Ҳеч шубҳа йўқки, аксарият каналлар чўнтак қаппайтиришни халққа маънавий озуқа беришдан аъло билаётгани кундай равшан.

Буюк жадид маърифатпарварларимиз матбуот халқнинг онгини ўстиришга, уларнинг ўз ҳақ-ҳуқуқлари учун курашишга ёрдам берувчи асосий қурол эканлигини англаб етган. Шунинг учун бор-куч ғайратини матбуотни ривожлантиришга сарфлаганини тарих зарварақлари орқали бизга маълум. Бироқ бир неча йиллар олдин жамиятимизда матбуотни ривожлантириш ўрнига "мажбурий обуна" деб, матбуот тараққиётига болта урганлар сафининг кенгайгани бир маҳаллар қўлидан газета тушмайдиган миллатимиз вакилларининг газета деса бурнини жийирадиган даражага олиб келди. Лўндасини айтганда, газета-журнал ўқимаслик натижасида сўнгги йилларда саводсиз, ким нима деса ишониб кетадиган, замондан ва илм-фандан йироқ ёшларнинг базаси шаклланмоқда. Китобдан узоқлашаётган ёш авлодга, замонани рўкач қилиб, телефонга тикилаётган "қўлмия"лар, ижтимоий тармоқ тўрининг хўракларига айланаётган бугунги давр ёшларига Ватан сўзи – пахтакорлик, ўқитувчи – энг қадрсиз касб эгаси, ота-она – қариганда гарданга тушадиган ортиқча юк сифатида баҳоланаётгани ҳам сир эмас.

> **Лўндасини айтганда, газета ўқимаслик натижасида сўнгги йилларда саводсиз, ким нима деса ишониб кетадиган, замондан ва илм-фандан йироқ ёшларнинг базаси шаклланмоқда. Китобдан узоқлашаётган ёш авлодга, замонани рўкач қилиб, телефонга тикилаётган "қўлмия"лар, ижтимоий тармоқ тўрининг хўракларига айланаётган бугунги давр ёшларига Ватан сўзи – пахтакорлик, ўқитувчи – энг қадрсиз касб эгаси, ота-она – қариганда гарданга тушадиган ортиқча юк сифатида баҳоланаётгани ҳам сир эмас.**

Буларнинг барчаси ўзлигимизнинг, бир пайтлар дунёни забт этган илм-маърифатимиз, қадимий ва бой ўтмишимизнинг давомчилари бўлган авлод ҳаёти бора-бора аянчли якун топишига йўл очади.

Иштони йўқ тиззаси йиртиққа кулибди деганларидек, бировнинг фарзанди устидан кулишга шошилманг! Аслида ҳозирги ёшларнинг бу қадар илмсиз бўлиб кетаётганида катталар, ота-оналар, умуман, ҳар биримизнинг айбимиз бор. Ота-оналар, катталар телефонларида "Ўзбекистон тенгдир Ўзбекистонга!", "Ҳаммасига кулиб қўйдим!" каби видеоларни кўрганларидан кўра, китоб ва газета ўқишса, фарзандлар уларга эргашади. Аниқроқ айтадиган бўлсам, фарзандларингиз шунда "Қизил кўйлагим"ни четга суриб, бир пайтлар дунёни титратган "Ўзбегим"ни эшитади.

Мухтасар қилиб айтганда, **ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН УЧУН "АМИР ТЕМУР КИМ?" ДЕБ СЎРАСА БИЛМАЙДИГАН ЁШЛАР ЭМАС, АЖДОДИГА МУНОСИБ КЕЛАЖАК ВОРИСЛАРИ, ШУЛАР ҚАТОРИДА СИЗНИНГ, ҲА-ҲА, АЙНАН СИЗНИНГ ФАРЗАНДИНГИЗ ҲАМ КЕРАК. ФАРЗАНДИНГИЗНИ БИЛИМЛИ ҚИЛИШГА ПУЛ ТИКДИНГИЗ. ЭНДИ УНИ ЯНГИ ЎЗБЕКИСТОН РИВОЖИГА ҲИССА ҚЎШАДИГАНЛАР САФИГА САФАРБАР ҚИЛИНГ, ИЛТИМОС! МУҲИМИ, БОЛАНГИЗГА ЭЪТИБОРСИЗ БЎЛА БОШЛАСАНГИЗ, МИЛЛАТНИНГ МУДРОҚЛИКДА ЁТИШИГА "МУНОСИБ" ҲИССА ҚЎШГАН БЎЛАСИЗ. ФАРЗАНДИНГИЗНИНГ ВАТАН УЧУН КЕРАКЛИ КАДР БЎЛИШИ, ЁҲУД ҲЕЧ КИМ БЎЛМАСЛИГИ СИЗНИНГ БУГУН НИМАНИ ЎҚИБ, НИМАНИ КЎРАЁТГАНИНГИЗГА БОҒЛИҚ.**

Тилагимиз холис: дилбандингизга гапда эмас, амалда ўрнак бўлинг! "Замона илм-фанидан бебаҳра миллат бошқаларга поймол бўлур!", деб ёзган эди бир аср муқаддам Беҳбудий бобомиз. Азиз ота-оналаримиз, биз ёшларни, фарзандларингизни илм олишга чорланг. Шиддатли замонда биз, дилбандларингиздан бошқа миллатлар ёшлари орасида охирги ўринда турувчи, билимсиз, қора ишчи, боши эгик жиноятчилар кўпайишини истамасангиз ҳалол, меҳнаткаш, билимли бўлишимизга беэътибор бўлманг! Ғафлатдан уйғонинг, юртдошлар!



# Дунё, дунё...

## 2024 ЙИЛ – САЙЛОВЛАР ЙИЛИ



***Жорий йил инсоният тарихида деярли бутун дунёда жиддий сиёсий ўзгаришларга олиб келадиган сайловлар ўтадиган йил бўлиб қолиши мумкин.***

***Жумладан, 2024 йилда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Қорақалпоғистон Республикаси Жўқорғи Кенгеси, халқ депутатлари вилоят, туман ва шаҳар Кенгашларига сайловлар бўлиб ўтади.***

Умуман олганда, 2024 йилда ер юзининг деярли ярим аҳолиси сайловларда иштирок этади. Ким янги президент бўлади, ким парламент таркибига киради, деган саволларга сайёрамизнинг 4 миллиарддан ортиқ аҳоли истиқомат қиладиган 64 мамлакатида айнан шу йил жавоб берилади. Сайлов мавсуми йилнинг дастлабки ойидаёқ очилди. 13 ва 18 январь кунлари Тайвань ва Финляндияда сайловлар бўлиб ўтди. Эслатиб ўтамиз, жорий йилда Россия ва Украина президентларининг ҳам ваколат муддатлари тугайди.

2024 йилда энг кўп сайлов Европада бўлиб ўтади: оз эмас, кўп эмас, нақ 19 мамлакатда. Экспертлар уларнинг 10 тасида давлат раҳбари, 11 тасида эса парламент таркиби ўзгариши мумкинлигини тахмин қилишмоқда.

"The New European" нашрида эълон қилинган мақолада, Европадаги сайловларда ўнгларнинг қўли баландроқ келиши айтилмоқда. Бир вақтнинг ўзида 447 миллион одам истиқомат қиладиган Европа иттифоқининг 27 мамлакатида ўтказиладиган сайловда ҳам шу анъана сақланиб қолиши эҳтимоли юқори эканлиги таъкидланмоқда.

Ҳиндистонда жорий йил ўтказиладиган сайловда 945 миллион сайловчи ҳам иштирок этади. Унда ғолиб чиққан партия янги бош вазирни тайинлайди. Шу муносабат билан сиёсий таҳлилчилар Ҳиндистоннинг амалдаги бош вазири фаолиятини аҳолининг 80 фоизи қўллаб-қувватлашига эътибор қаратишмоқда.

Албатта, ноябрь ойида АҚШда ўтадиган президентлик сайлови ҳам дунё сиёсатчиларининг диққат марказида турибди. Ҳозирча ҳеч ким ғолибни олдиндан айтиб беришга журъат эта олмаяпти. "Politico" нашри сайловда амалдаги президент Жо Байден билан собиқ президент Дональд Трамп бир-бирига қарши майдонга тушишини башорат қилмоқда. Аммо мазкур сайлов, умуман ўтказилмаслигини тахмин қилаётган нашрлар ҳам бор.

## ШАМОЛ ВА ЁМҒИРДАН ЭЛЕКТР ЭНЕРГИЯСИ ОЛИНАДИ



***Хитой ва Шотландия олимларидан ташкил топган халқаро гуруҳ эсаётган шамол ва ёғаётган ёмғир томчиларидан электр энергияси ишлаб чиқарадиган митти генераторлар ишлаб чиқишди. Тадқиқот натижалари ACS Sustainable Chemistry & Engineering (ASCECG) илмий журналида эълон қилинган.***

Жамоа икки турдаги энергия коллекторлари яратган: трибоэлектрик наногенератор шамолнинг кинетик энергиясини тутади, томчили энергия генератори эса ёғаётган ёмғирдан энергия йиғади.

Трибоэлектрик наногенератор тефлон ва мис электродлари қатламлари орасига сиқилиб жойланган нейлон нанотолалардан ташкил топган. Томчили энергия генераторида ҳам тефлон ва электродлар ишлатилган. Оптимал шароитда қурилмалар 252 вольт ва 113 вольтга тенг қувват ишлаб чиқаришган. Ҳар икки қурилмага барг шаклини берган мутахассислар мазкур технология тез орада қайта тикланувчи энергия манбалари ишлаб чиқаришга мўлжалланган йирик тизимларда ишлатилишига ишонч билдиришмоқда.

## ҚАРИШГА ҚАРШИ КУРАШ



***Шанхайдаги (Хитой) Jiao Tong университетида нанотехнологияларни қўллаган ҳолда кексаликка қарши кураш олиб боришнинг янги усули ишлаб чиқилди. Бу усулда каркас имплантат ёрдамида инсон танасига водород етказиб берилади.***

Маълумки, одам танасининг қариши бевосита тўқималарнинг яллиғланишига қаршилик кўрсатиш қобилияти сустлашиши ва регенерация жараёнининг йўқолишига боғлиқ. Водород эса нафақат яллиғланишларга қаршилик кўрсатади, балки тўқималар қаришининг ҳам олдини олади.

Дастлаб сичқонларда ўтказилган тажрибалар ижобий натижалар берди. Мазкур технологиянинг имкониятларини ўрганиш тадқиқотлари давом эттирилмоқда. Бу ҳақда Nature "Communications" нашри хабар беради.

## "ЕРГА МАРҲАМАТ!"



***АҚШнинг Кентукки штатидаги Лексингтон шаҳридан бир гуруҳ олим ва тилшунослар илк бор коинотга ўзига хос реклама эълони йўллаб, ўзга сайёраликларни бизнинг сайёрамизга, хусусан Лексингтонга саёҳатга таклиф этишган. Бу ҳақда Space.com. портали хабар қилади.***

Овозли-тасвирли сигналда сайёрамиз манзаралари, Кентукки пейзажлари, одамлар ва отларнинг кўринишлари ҳамда сув, этил спирти ҳамда бахт гормонлари ҳисобланадиган дофаминнинг кимёвий таркиблари акс этган.

Таклифнома инфрақизил лазер ёрдамида биздан 40 ёруғлик йили ёки 378 триллион километр узоқликда жойлашган TRAPPIST-1 юлдуз буржига юборилган. Мутахассислар айнан ушбу буржда ўзга сайёраликлар истиқомат қилиши эҳтимоли юқори эканлигини таъкидлаб ўтишган.

Дарвоқе, эслатиб қўяйлик, ерликларнинг ўзига хос таклифномаси белгиланган манзилга 2063 йилда етиб боради.

**Интернет хабарлари асосида тайёрланди.**

ADOLAT
SOTSIAL-DEMOKRATIK PARTIYASI

**Муассис: "Адолат" СДП Сиёсий Кенгаши**

**Бош муҳаррир: Ислом ҲАМРОЕВ**

**Таҳрир ҳайъати:**
Баҳром АБДУҲАЛИМОВ
Наримон УМАРОВ
Муҳаммад АЛИ
Гавҳар АЛИМОВА
Муҳаррам ДАДАХОДЖАЕВА
Қодир ЖЎРАЕВ
Зуҳра ИБРАГИМОВА
Тошпўлат МАТИБАЕВ
Талъат МУРОДОВ
Абдукамол РАҲМОНОВ
Умиджон СУЛАЙМОНОВ
Собир ТУРСУНОВ

**Бўлимлар:**
Котибият – 71 288-42-14 (144); 90 900-72-15
Қабулхона – 71 288-42-12 (141) факс;

1995 йил 22 февралдан чиқа бошлаган
info@adolatgzt.uz adolatgz-95@mail.ru

Масъул котиб — Абдуғани Содиқов
Навбатчи муҳаррир — Камол Матёқубов

Таҳририят манзили: 100043, Тошкент шаҳри, Чилонзор тумани "Шарқ тонги" кўчаси, 23-уй.

НАШР КЎРСАТКИЧИ: 100

ISSN 2091-5217

1 2 3 4 5 6

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0018 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган. Қоғоз бичими А-2. Ҳажми – 3 босма табоқ. Офсет усулида босилган. Буюртма Г – 100

**Адади – 1736**
**Босишга топшириш вақти – 21.00**
**Босишга топширилди – 21.10**
**Баҳоси келишилган нархда**

Таҳририятга келган қўлёзмалар тақриз қилинмайди ва муаллифга қайтарилмайди.
Реклама материаллари учун таҳририят жавобгар эмас.
Газетанинг етказиб берилиши учун обунани расмийлаштирган ташкилот жавобгар.

**"Шарқ" НМАК босмахонасида чоп этилди.**
**Корхона манзили: Тошкент шаҳри Буюк Турон кўчаси, 41-уй.**